

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2023 йил декабрь ойининг 28-куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, “Чилонзор” МФЙ биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида, судья Л.Хазраткуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Хошимжоновнинг котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурори ўринбосари Ж.Хомидов, судланувчи А.Хасанов ва унинг ҳимоячиси “Осиё Адолат” адвокатлик бюроси адвокати Х.Абдурахмоновнинг иштирокида, судланувчи Хасанов Анвар Абдулазизовичга нисбатан 1-1513-2302/636-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Хасанов Анвар Абдулазизович (Хасанов Анвар Абдулазизович) – 1969 йил 5 декабрь куни Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) Марғилон шаҳар судининг 1999 йил 29 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 декабрдаги “... амнистия тўғрисида”ги қарорига асосан жазодан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2007 йил 17 мартдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми “б” банди ва бошқа моддалари билан қўзғатилган жиноят иши Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги “... амнисти тўғрисида”ги қарорига асосан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2009 йил 12 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисм “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, шу суднинг 2010 йил 19 январдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 7 ой 13 кунидан шартли озод қилинган;

4) жиноят ишлари бўйича Кува туман судининг 2010 йил 28 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

5) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2014 йил 16 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми ва 109-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

6) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2016 йил 10 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида жиноят



ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2014 йил 16 декабрдаги ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмини мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қўшиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари – 13.024.000 сўм жарима ва иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган 1 йил 6 ой 7 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2017 йил 27 июлдаги ажримига кўра, юқоридаги ҳукм билан тайинланган 13.024.000 сўм жарима жазоси ЖКнинг 44-моддасига асосан 5 ой 13 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида ушбу ҳукм билан тайинланиб, ўталмай қолган 10 ой 17 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшиб, 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони тўлиқ ўтаган, вақтинча ишсиз, Марғилон шаҳар, “Чилонзор” МФЙ, Тинчлик кўчаси, 175-уй, 43-хонадонда яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 3 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Хасанов 2022 йил 1 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 170-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида 3.000.000 сўм жарима жазоси тайинланганидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2023 йил 30 сентябрь куни “назоратли харид” тадбири давомида махсус харидор А.Иброхимовдан 100 АҚШ долларини 1.215.000 сўм эвазига қонунга ҳилоф равишда олаётган вақтда Марғилон шаҳар ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида ашёвий далил билан ушланган.

Судланувчи А.Хасанов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2023 йил 30 сентябрь куни соат 13:00 ларда Марғилон шаҳри Мустақиллик кўчасида жойлашган 3-оилавий поликлиника рўпарасида турган вақтида нотаниш бир йигит келиб, ошхонада овқатланмоқчи бўлганини, бироқ ошхона ёнида бўлган 100 АҚШ долларини тўлов сифатида қабул қилмаётганини, шу сабабли ушбу пулни ўзбек сўмига алмаштириб беришни сўрагани учун унга 1.215.000 сўм пулларини бериб, 100 АҚШ долларини олганини, худди шу пайтда у турган жойга 5-6 нафар фуқаролик кийимидаги шахслар югуриб келишиб, ўзларини ИИБ ходими сифатида таништиришиб, ноқонуний валюта айирбошлаганини маълум қилишиб, нотаниш йигитдан олган 100 АҚШ долларини сўрашганини, кейин уларга 100 АҚШ долларини бериб, бўлиб ўтган ҳолатни тушунтирганини ва ҳолислар иштирокида пуллар ашёвий далил тариқасида олинганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари билан



бирга Марғилон шаҳар ИИБ биносига боришганини, шунингдек шаҳар ИИБ биносига ундан 1.215.000 сўм пулларни олган йигит ҳам келганини, у ерда холислар иштирокида мазкур пуллар ҳам ашёвий далил тариқасида олинганини, ушбу 1.215.000 сўм пул маблағлари ўзига тегишли эканини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини айтиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи А.Хасанов айбига тўлиқ иқроп бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг ушбу жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан, яъни:

- тарафларнинг розилиги билан судда ўқиб эшиттирилган гувоҳ И.Ёкубовнинг 2023 йил 30 сентябрь куни ишлари билан Марғилон шаҳар ИИБ биноси олдида ўтиб кетаётган вақтида ўзини ИИБ ходимлари деб таништирган шахсларнинг таклифи билан холисликка рози бўлиб, Марғилон шаҳри Мустақиллик кўчасида жойлашган велосипед дўкони олдида ноқонуний валюта айирбошлаётган фуқароларга нисбатан ташкил этилган тадбирда иштирок этгани, ўша куни ўзидан ташқари яна бир фуқаро холис сифатида иштирок этгани, ўзларига холис сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани, тадбирдан олдин дастлаб шаҳар ИИБ биносига киришгани, у ерда яна бир тадбирда қатнашаётган фуқарога 100 АҚШ доллари беришгани, кейин ушбу фуқаро Марғилон шаҳрида маҳаллий тилда “Араб шашлик” деб аталадиган жойга бориб, ўша ерда Хасанов Анвар исмли шахсдан 100 АҚШ долларини ўзбек сўмига алмаштираётганда ИИБ ходимлари А.Хасановни ушлашгани, шунда А.Хасановнинг кўлида 100 АҚШ доллари борлигини, тадбирда қатшанган болада эса ўзбек сўми борлигини кўришгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари билан бирга ИИБ биносига боришгани, у ерда пуллар ашёвий далил тариқасида олингани, ўзи эса тузилган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, имзо қўйгани ва кўрганлари юзасидан тушунтириш хати ёзиб бергани, ИИБ ходимлари томонидан тадбир вақти ушланган А.Хасановга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилмагани тўғрисидаги кўрсатуви билан (и.в.35-37);

- тарафларнинг розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ С.Махамадалиевнинг дастлабки терговда гувоҳ И.Ёкубовнинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатуви билан (и.в.38-40);

- шунингдек, ариза (и.в.5), “назорат-харид” тадбирини ўтказиш бўйича баённома (и.в.6-7), далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома ва унга фотоилова (и.в.9-11), тушунтириш хатлари (и.в.13-19), ашёвий далилни сақлаб туриш учун топшириш тўғрисидаги қарор ва қвитанция (и.в.25-26), тилхат (и.в.28) ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топди.

Суд, судланувчининг содир этган жиноий ҳаракатларининг юридик квалификациясига баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Хасановнинг маъмурий жазо қўлланилгандан кейин қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олишда ифодаланган жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларига кўра, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2022 йил 1 ноябрдаги қарорига кўра, А.Хасанов Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 170-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни



содир этган деб топилган ва унга ушбу модда билан 10 баравари миқдорида, 3.000.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги 8-сонли Қарорнинг 4-бандида, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу ҳаракатлар содир этилган вақтда валюта қимматликларини ўрнатилган тартибларни бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилиши ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, содир этилган қилмишнинг сабаблари, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1, 3-бандларида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи А.Хасановга жазо тайинлашда, юқоридаги пленум қарори талабларига амал қилган ҳолда, унинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароити ва моддий аҳволи оғирлигини эътиборга олиб, ўзи айбланган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Бундан ташқари, суд иш бўйича олинган ашъвий далиллар масаласини ҳал қилиб, тадбирда фойдаланилган 100 АҚШ доллари пуллар тилхат асосида Марғилон шаҳар ИИБ ходими А.Иброхимовга қайтарилганлигини эътиборга олишни;

- ОАТБ “Агробанк” Марғилон шаҳар филиалига 1 (бир) сўм қийматида топширилган 1.215.000 (бир миллион икки юз ўн беш минг) сўм пулларни давлат даромади ҳисобига мусодара қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Хасанов Анвар Абдулазизович (Xasanov Anvar Abdulazizovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Хасановга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо уни ижросини назорат қилувчи Марғилон шаҳар ИИБ пробация бўлинмаси томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати А.Хасанов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Марғилон шаҳар ИИБ пробация бўлинмасига юклатилсин.

А.Хасановга қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган:

- 100 АҚШ доллари тилхат асосида Марғилон шаҳар ИИБ ходими А.Иброхимовга қайтарилганлиги инобатга олинсин;

- ОАТБ “Агробанк” Марғилон шаҳар филиалига 1 (бир) сўм қийматда топширилган 1.215.000 (бир миллион икки юз ўн беш минг) сўм пуллар давлат даромади ҳисобига мусодара қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

Л.Хазраткулов

Маъсул судья: Хазраткулов Лазизбек Бахриддинович

